O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2004 йил 27 январь, №18 (3292) Сешанба

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида



***26 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни Олий Мажлис Раиси Э. Халилов олиб борди.***

Кенгашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига 2003 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида бўлиб ўтган сайлов натижалари тўғрисида парламентнинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А. Саидовнинг ахбороти тингланди.

Йиғилишда таъкидлаб ўтилганидек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ҳамма жойда ижтимоий-сиёсий ва ташкилий жиҳатдан юксак савияда, эркин ва демократик вазиятда, амалдаги қонун ҳужжатларининг талабларига риоя этилган ҳолда, фуқароларнинг юқори даражадаги фаоллиги остида ўтди. Сайлов кампаниясида 12 миллиондан ортиқ фуқаро, яъни мамлакатимиз катта ёшдаги аҳолисининг қарийб 97 фоизи иштирок этди.

Фуқаролар йиғинларининг жами 8360 нафар раиси (оқсоқоли) ҳамда уларнинг 80 мингдан ортиқ маслаҳатчиси сайланди. Йиғин раисларининг (оқсоқолларининг) 75,7 фоизи ҳамда улар маслаҳатчиларининг 51,7 фоизи олий маълумотли бўлиб, улар асосан ўқитувчилар, муҳандислар, агрономлар ва иқтисодчилардир. Раисликка сайланганларнинг 49,1 фоизи 50 ёшга тўлмаган кишилардир, шу жумладан, 10 фоизининг ёши 40 га ҳам бормаган. Фуқаролар йиғини раиси вазифасига сайланганларнинг 8,7 фоизини хотин-қизлар ташкил этди. Оқсоқолларнинг ҳар тўрт нафаридан бири бу вазифага илк бор сайланган.

Ҳисобот-сайлов йиғилишларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида эришилган ютуқлар ҳамда йўл қўйилган камчиликлар принципиаллик билан, очиқ ва ошкора кўрсатиб ўтилди, фаолиятни янада такомиллаштириш йўллари белгилаб олинди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар қўллаб-қувватланаётгани айтилди, юртимизда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, аҳолининг турли қатламларини ижтимоий ҳимоялаш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар учун Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовга миннатдорчилик билдирилди.

Яхши ташкил этилган тайёргарлик ишлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов муваффақиятли ўтишига ёрдам берди. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга бағишлаб Олий Мажлисда республика семинар-кенгаши ўтказилди. Унда шаҳарча, қишлоқ, овул, маҳалла фуқаролар йиғинларининг раислари, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари, вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, жамоат бирлашмалари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда Олий Мажлис депутатлари иштирок этдилар. Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ҳам шундай семинарлар бўлиб ўтди. Алоҳида китобча шаклида нашр этилган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонун, шунингдек, республика семинар-кенгашининг материаллари барча ҳокимликлар ва фуқаролар йиғинларига юборилди.

Бу муҳим ижтимоий-сиёсий кампанияда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг депутатлари фаол иштирок этдилар. Мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ва демократик ўзгаришларнинг, амалдаги қонун ҳужжатларининг моҳиятини, фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловида барча фуқароларнинг фаол иштирок этиши нақадар муҳимлигини тушунтириш юзасидан улар ўз сайлов округларида изчил иш олиб бордилар.

Кенгаш аъзолари мазкур масала муҳокамаси чоғида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бўлиб ўтган сайлов аҳолининг кенг қатламлари учун чинакам демократия мактаби бўлганлигини алоҳида таъкидладилар. Сайлов давлат ҳокимияти органлари вазифаларининг бир қисмини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказиш борасида мамлакатимиз раҳбарияти танлаган йўл тўғри эканлигини, ҳаётимизнинг барча соҳаларини эркинлаштириш ва демократлаштиришда, жойлардаги долзарб ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни ва аҳамияти ортиб бораётганлигини, «Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари» концепциясини амалга ошириш нақадар муҳим эканлигини яна бир бор яққол кўрсатди.

Олий Мажлис Кенгаши қарор қабул қилиб, унда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказилган сайлов якунларини навбатдаги сессияларида муҳокама этишни, фуқаролар йиғинларини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг фаолиятини кучайтириш юзасидан амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқишни тавсия этди. Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликларига фуқаролар йиғинларининг янги сайланган раислари (оқсоқоллари) билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатлари қоидаларини ўрганиш, шунингдек, мазкур органларнинг фаолиятини ташкил этиш масалалари бўйича туркум машғулотлар ва ўқув семинарлари ўтказиш, бу тадбирларга олимлар, мутахассислар, тажрибали оқсоқолларни, молия, солиқ ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ходимларини, жамоат бирлашмаларининг вакилларини жалб қилиш таклиф этилди.

Кенгаш йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва унинг раҳбариятининг 2003 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисобот ҳам кўриб чиқилди.

Йиғилиш иштирокчилари шуни таъкидладиларки, мамлакатни XXI аср бошларида ривожлантиришнинг ҳуқуқий базасини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашга доир зарур ишлар ўтган йили парламент томонидан изчил амалга оширилди. Олий Мажлис қабул қилган қонунлар ҳуқуқий фуқаролик жамиятини барпо этишнинг мамлакатимиз Президенти томонидан илгари сурилган устуворликларга мувофиқ сиёсий, демократик, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни янада кучайтиришга қаратилди.

Парламент, унинг қўмиталари ва комиссиялари жамият ҳаётий фаолиятининг барча соҳаларида амалга оширилаётган ўзгаришларнинг моҳиятини тушунтиришга қаратилган бир қатор тадбирлар ўтказди. Кенгаш ҳисоботни маъқуллади ва уни Олий Мажлиснинг навбатдаги сессияси муҳокамасига киритишга қарор қилди.

Кенгаш аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қўмиталари ва комиссиялари қонунчилик ҳамда назорат-таҳлил фаолиятининг 2004 йилга мўлжалланган режасини кўриб чиқдилар ва тасдиқладилар. Режада асосий эътибор, аввалги йилларда бўлганидек, парламентнинг қонунчилик борасидаги ишларига, мамлакатда ўтказилаётган ислоҳотларни ҳуқуқий жиҳатдан ўз вақтида таъминлаб боришга оид меъёрий ҳужжатларни тайёрлашга қаратилган. Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қўмиталари ва комиссиялари 2004 йилда ўтказадиган тадбирларни ҳам тасдиқлади. Бу масалага доир ҳужжатда турли долзарб мавзуларда семинарлар, илмий-амалий конференциялар, давра суҳбатлари ўтказиш назарда тутилган.

Кенгаш аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтининг 2003 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни тингладилар ва тасдиқладилар.

Кенгаш ўз ваколатига тааллуқли бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқди.



## Олис манзиллар саодати

*«Ўзтемирйўлйўловчи» очиқ турдаги акциядорлик жамияти сервис марказининг вагон кузатувчиси Саида Шамукова(суратда)нинг таъкидлашича, касб-корга бўлган меҳр-муҳаббат одамни анча улғайтирар экан. Назаримизда, Саиданинг «улғайтирар экан» деганини одамни меҳнат улуғлайди, обрў-эътибор, шуҳрат, энг муҳими, элнинг дуосини олиб келади, деб тушунмоқ керак. Негаки, фотомухбиримиз Тоҳиржон Ҳамроқуловнинг таъкидлашича, сервис маркази раҳбарияти Саиданинг номини катта эҳтиром билан тилга олган ва унинг, ёш бўлса-да, жамоадошларига ўрнак бўлаётганлигини айтган.*

*Саида ҳозир «Тошкент – Самарқанд» йўналиши бўйича яқинда иш бошлаган «Регистон» электропоездида меҳнат қилмоқда. Энг эътиборли томони шундаки, мазкур электропоездда йўловчиларга хизмат кўрсатувчи вагон кузатувчиларининг барчаси Саиданинг дугоналари — аёллардан иборат. Зеро, одамларни олис манзилларга бехатар ва бешикаст олиб бориш ҳамда уларга юксак даражада хизмат кўрсатиш саодатидан-да улуғ масъулият борми?*

## СЕМИНАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида аграр соҳа раҳбарлари семинарининг навбатдаги машғулотида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раиси Э.Ғаниев қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш ва инвестицияни жалб этиш мавзуида маъруза қилди.*

Мамлакатимиз ташқи иқтисодий фаолиятида қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг экспорт ҳажми ва салмоғини ошириш, жаҳон андозаларига жавоб берадиган, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Республикамизда ташқи иқтисодий савдо алоқаларини кенгайтиришнинг кенг имкониятлари мавжуд. Янги ташкилий-хўжалик тизими тузилиши рағбатлантирилаётгани туфайли агросаноат корхона ва бирлашмаларининг мустақил ҳолда жаҳон бозорига чиқиши учун кенг йўл очилмоқда. Зеро, етиштирилаётган нознеъматлар ўзининг сархиллиги ва табиий таркиби билан хориж бозорида бемалол рақобатлаша олади.

— Юртбошимиз ташаббуси билан ташкил этилган соҳа раҳбарларининг бу галги ўқув семинари машғулотлари мавзуларининг кенг қамровлилиги, ранг-баранглиги, йирик олим ва мутахассисларнинг жалб этилгани билан бизда катта қизиқиш уйғотди, — деди Асака тумани ҳокими Т.Ёқубов ЎзА мухбирига. — Бу ерда олган билим ва тажрибамизни жойларга борганимизда амалиётга жорий этамиз.

Семинарда Вазирлар Маҳкамаси ахборот-таҳлил бошқармаси бошлиғи Б.Хўжаев, "Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг" компанияси раиси А.Аюпов, "Ўзбек ипаги" уюшмаси раиси Ш.Умаров ва бошқаларнинг ҳам маърузалари тингланди.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков иштирок этди.

**Н.УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

***«Бремен иқтисодиёти» журналида Ўзбекистон-Германия иқтисодий ҳамкорлигига бағишланган кенг қамровли мақола чоп этилди.***

## Бремен: амалий ҳамкорлик сари

Унда айтилишича, Ўзбекистоннинг бой табиий хомашё захиралари, чексиз иқтисодий салоҳияти хорижий сармоядорларни бефарқ қолдирмайди. Шу маънода, Германия ишбилармон доиралари икки давлат ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада чуқурлаштиришга интилмоқдалар.

Германия журнали Ўзбекистон ҳукуматининг хорижий сармояларни жалб этиш, чет эллик тадбиркорларга қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда кичик бизнесни ривожлантиришга қаратилган сиёсати ушбу муносабатларни янги чўққиларга кўтариши муқаррар эканини қайд этади.

**Аслам АКБАРОВ,**
**«Жаҳон» АА.**

## ҲИНДИСТОННИНГ МИЛЛИЙ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНДИ

***ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Бобур СОБИРОВ).***

Ҳиндистоннинг мамлакатимиздаги элчихонасида ушбу давлатнинг миллий байрами — Республика кунининг 55 йиллигига бағишланган маросим бўлиб ўтди.

Унда Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Шарат Сабхарвал Ҳиндистон эришаётган ютуқлар, иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги, ахборот технологиялари ва бошқа муҳим соҳаларда қўлга киритаётган салмоқли натижалар ҳақида тўхталиб ўтди.

Маросимда Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги серқирра муносабатлар жадал ва изчил ривожланиб бораётгани мамнуният билан таъкидланди. Бу ривож мамлакатларимизнинг таълим, доридармон ишлаб чиқариш, ахборот технологияларини ривожлантириш, энергетика, сув захираларидан унумли фойдаланиш соҳаларидаги ҳамкорликда, айниқса, яққол кўзга ташланади.

### Пойтахтимизда



## ОДИЛ СУДЛОВНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раёсатининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Олий суд раиси Ф.Муҳитдинова бошқарган мазкур йиғилишда якунланган йилдаги ишлар таҳлил этилди ва суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга оид масалалар муҳокама этилди.

Таъкидланганидек, умумий юрисдикция судлари томонидан ўтган йил мобайнида қонун устуворлиги, ижтимоий адолатни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида қонунларни қўллаш амалиётини шакллантиришда муайян ишлар амалга оширилди.

Фуқаролик ишлари бўйича судларда биринчи инстанцияда кўрилаётган ишларнинг сони тенг ярмига кўпайганига қарамай, уларни ҳал қилиш муддатлари ва сифати сезиларли даражада яхшиланди. Бунда ишларни қайтадан кўришга юбормасдан, уларнинг сифатли ва узил-кесил ҳал қилинишини таъминлаган апелляция инстанциясининг ўрни ва аҳамияти катта бўлди.

Фуқароларнинг ҳуқуқий низоларни ҳал этиш юзасидан судга мурожаат этиши кўпайгани аҳолининг ҳуқуқий маданияти юксалаётганидан ҳамда судга бўлган ишончи мустаҳкамланаётганидан далолат беради. Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини либераллаштириш билан боғлиқ қонунларнинг ҳаётга татбиқ этилаётгани, хусусан, ярашув институти жорий қилингани боис судларда ишлар миқдори бирмунча камайди.

Судлар томонидан жазо тайинлаш амалиётида озодликдан маҳрум қилиш ҳоллари 2002 йилга қараганда кескин камайди. Айни пайтда судлар шахсни жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турларини кўпроқ қўллашга аҳамият беряпти.

Раёсат йиғилишида муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилиниб, унда йўл қўйилган хато ва камчиликларни зудлик билан бартараф этиш зарурлигига жиддий эътибор қаратилди.

**Норгул АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири.**

### Жойлардан хабарлар

## Ҳосилнинг жавҳари — уруғ

***Қизириқ туманида 2003 йилда 36289 тонна пахта тайёрланди. Бу 2002 йилдаги кўрсаткичдан 7 минг тонна кўпдир. Туман деҳқонлари ана шу ўсишга асосан, уруғни тўғри танлаш эвазига эришдик, демоқдалар.***

***Қизириқликлар ўтган йилдан бошлаб ўзлари экадиган чигитни ўзлари тайёрлашга киришдилар. «Қизириқпахта» ҳиссадорлик жамияти жамоаси ўтган йили «Қорақисмоқ» фермер хўжалигидан 800 тонна уруғлик пахта қабул қилиб олди. Шунингдек, «Работаг», Бобур номли, «Қизил гул» фермер хўжаликлари ҳам уруғчиликни ривожлантириш юкини ўз зиммаларига олдилар.***

***Янги йилдан бошлаб эса заводнинг уруғлик тайёрлаш цехи ишга киришди. 30 кишидан иборат цех ишчилари чигитни саралаб, дорилаб, халталай бошлади.***

**О. УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Мини технологиялар тақдимоти



***Андижон туманидаги Иброҳим Бакиров номли ширкат хўжалигида кичик технологияларнинг тақдимот кўргазмаси ташкил этилди. «Ўзқишлоқмашхолдинг», «Ўзбеклизинг» холдинг компаниялари, Тошкент трактор заводининг бир гуруҳ мутахассислари иштирок этган ушбу анжуманда мини тракторлар, плуглар, сеялкалар, боғдорчилик учун мўлжалланган механизмлар фермер ва тадбиркорларга тақдим этилди. Мазкур техникалар тадбиркорларга лизинг йўли билан берилиши кўзда тутилган.***

***Тақдимот давомида Тошкент трактор заводи мутахассислари илғор технологияларни ишлатиш бўйича кўргазмали чиқишлар ташкил этди. Ушбу анжуман Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш вилоят бошқармаси ва вилоят товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси томонидан ташкил этилди.***

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Музейда ўтилган дарс

***Навоий шаҳридаги ўлкашунослик музейи кейинги пайтларда мактаб, лицей, коллеж ўқувчилари ва олий ўқув юртлари талабаларининг энг севимли масканига айланди. Бу ерда баъзи фанлар бўйича дарслар ташкил этилмоқда. Ёшлар ўз таассуротлари ҳақида тўлқинланиб сўзлашаяпти.***

***— Музейда 5 мингдан ортиқ тарихий ҳужжатлар, нодир буюм ва ашёлар мавжуд, — дейди музей директори Рамазон Эгамов. — Мозий нафасини сездириб турган экспонатлар ҳар қандай кишининг диққатини жалб этиши табиий. Айниқса, ёшларнинг музейга қизиқиши тобора ошиб бораётгани янада қувончли.***

**Абдуваҳоб ПИРМАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг ЯК-40 самолёти авиаҳалокати сабабларини аниқлаш бўйича Ҳукумат комиссиясининг ҚАРОРИ

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпаниясининг ЯК-40 самолёти авиаҳалокати сабабларини аниқлаш бўйича Ҳукумат комиссияси Давлат учиш хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси экспертлари, Ўзбекистон Республикаси тергов ва ҳуқуқ-тартибот органлари мутахассисларини жалб қилган ҳолда 2004 йил 13 январда рўй берган авиаҳалокат тафсилотларини атрофлича ўрганиб чиқди. Ҳалокат сабабларини ўрганиш ишларида Ҳукумат комиссияси аъзолари билан бирга А.Яковлев номидаги Тажриба-конструкторлик бюроси ҳамда МДҲ Давлатлараро авиация қўмитаси вакиллари иштирок этди.

Олиб борилган текширув жараёнида объектив назорат воситалари ("қора қути") кўрсатмалари, бортдаги ҳамда ердаги навигация воситаларининг техник ҳолатини батафсил ўрганишга алоҳида эътибор қаратилди. Самолёт бўлаклари синчиклаб текширилди, экипаж ҳамда ҳаво кемасининг парвоз олдидан тайёргарлиги, самолёт парвоз қилган шароит ва унинг қўниши тафсилотига гувоҳ бўлган кўплаб кишилардан зарур маълумотлар олинди.

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпаниясининг Термиз-Тошкент йўналиши бўйича НY-1154 рейсни амалга ошираётган ЯК-40 самолётининг 37 кишининг ҳалок бўлишига олиб келган авиаҳалокати сабабларини аниқлаш бўйича олиб борилган текшириш якунларига биноан, Ҳукумат комиссияси қуйидаги хулосаларга келди.

Самолётнинг техник ҳолати ва экипаж аъзоларининг малакаси бу русумдаги ҳаво кемалари эксплуатацияси учун белгиланган талабларга жавоб берган.

Самолётнинг ўзиёзар ускунасидаги ("қора қути") ёзувлар таҳлиллари шуни кўрсатдики, парвоз жараёнида ҳамда қўниш вақтида двигателлар ва ҳаво кемасининг бошқа тизимларида носозлик бўлмаган, бортда ёнғин, бирон-бир шикастловчи воситаларнинг таъсири ёки террорчилик ҳаракати аломатлари қайд этилмаган.

Қўнишни таъминловчи радиотехник воситалар барқарор ишлаб турган ва соз ҳолатида бўлган.

Ҳаво кемаси парвози, унинг қўниши мураккаб метеорологик шароитларда кечган, Тошкент аэропорти ҳудудида кўриш имконияти қуюқ туман пайтида йўл қўйиладиган меъёрлар даражасида бўлган.

Тергов эксперимент тарзида ўтказилган парвоз билан тасдиқланган текширув натижаларига кўра, авиаҳалокат экипажнинг қўниш чоғидаги нотўғри ҳаракатлари туфайли содир бўлганлиги аниқланди.

(Давоми 2-бетда).

# «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг ЯК-40 самолёти авиаҳалокати сабабларини аниқлаш бўйича Ҳукумат комиссиясининг ҚАРОРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Экипаж томонидан қўнишга тайёрлаш қоидаларига хилоф равишда чекланган кўриш шароитида бошқариш ва ҳаво кемасини қўндириш учун мўлжалланган тизимнинг зарур иш тартиби қўлланилмаган. Бу ҳол борт ускуналарида самолётнинг белгиланган пасайиш траекториясига нисбатан ҳақиқий ҳолати тўғрисидаги маълумотларнинг нотўғри акс этишига, ҳаво кемасининг рухсат этилган кўрсаткичдан юқори баландликда қўниш йўлагига яқинлашиши ва қўниш чоғида ушбу траекториядан чиқиб кетишига олиб келган.

Борт ускуналарининг ностандарт тартибда ишлаётганидан дарак берувчи аломатлар борлигига қарамасдан, экипаж бу ҳақда диспетчерга хабар қилмаган, самолётнинг қўниш тизимидан нотўғри фойдаланиш билан боғлиқ хатоларни ўз вақтида аниқлай олмаган ва қўнишга қайтадан уриниш учун иккинчи марта айланиш бўйича чоралар кўрмаган.

Экипаж рухсат этилган энг қуйи баландликда қўниш йўлагининг ердаги белгиларини аниқламасдан ва ўзининг касб маҳоратига ортиқча баҳо бериб, пасайишни давом эттирган. Натижада, бундай вазиятда баландликка кўтарилиб, заҳира аэродромга кетишни талаб этувчи қоидаларни бузган.

Йўл қўйилган хатолар сабабли самолёт қўниш йўлагига белгиланган нормалардан ташқарида тегиб ўтган. Экипаж заҳира аэродромга кетиш учун баландликка кўтарилиш борасида кечикиб кўрган чораларга қарамай, самолёт аэропорт тўсиғига урилган. Бу ҳаво кемасининг ҳалокатга учраши ва ёнғин чиқишига олиб келган.

Экипаж аъзолари ва барча йўловчилар кўплаб жароҳат олиш натижасида ҳалок бўлган.

Ҳукумат комиссияси томонидан авиаҳалокат туфайли ҳалок бўлганларнинг жасадларини яқинларига етказиш ва дафн этиш ташкил қилинди. Марҳумларнинг қариндошлари ва яқинларига зарур моддий ҳамда молиявий ёрдам кўрсатилди.

Бош прокуратура авиаҳалокат бўйича жиноий иш қўзғади, тергов ишлари давом этмоқда.

Ҳукумат комиссияси томонидан "«Дававианазорат" ва "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси билан биргаликда келгусида бундай ҳодисаларнинг олдини олиш ва йўл қўймаслик бўйича тегишли ташкилий ҳамда техник чоралар мажмуи ишлаб чиқилди.

## Қилинган ишлар сарҳисоби

Қашқадарё вилоят ҳокимлиги саноатни ривожлантириш, қурилиш ва коммуникация мажмуи ходимларининг йиғилишида қурилиш соҳасида ўтган йили қилинган ишлар сарҳисоб қилинди.

Муҳокамада вилоятда қурилиш соҳасида ислоҳотларнинг сустлиги, ишлар эскича услубда давом этаётганлиги, хусусийлаштириш ишлари ҳам қониқарли даражада эмаслиги танқид қилинди.

Ваҳоланки, истиқболда вилоятда замонавий турар-жойлар , маданий-маиший, спорт иншоотлари қурилиши кўзда тутилган. Шу боис ҳам қурилишда бурилиш қилиш, ислоҳотларни амалга ошириш шарт.

Йиғилишда очиқ, аммо ҳаққоний гаплар айтилди. Энди гап танқид, талаб ва таклифлар ижросида.

**Н. РАВШАНОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

## Атроф-муҳитга эътибор

"Экосан" халқаро жамғармасида "Марказий Осиё: иқлим, атроф-муҳит ва ривожланиш" мавзуида анжуман бўлиб ўтди. Мамлакатимизнинг эколог олимлари, гидрометеорологлари билан бир қаторда Россия, АҚШ, Япония мутахассислари ҳам иштирок этган ушбу анжуманда Марказий Осиёда сўнгги йилларда иқлим ўзгаришининг сабаблари, унинг атроф-муҳитга кўрсатаётган салбий таъсири ва бу ҳолнинг олдини олиш йўллари ҳақида фикрлашиб олинди.

**М. ТОЖИЕВА.**

# БОЖХОНА ВА ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ

Мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, пировардида аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш, ижтимоий муҳофазани кучайтириш масаласи бугунги кунда давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишларидандир. Шу боис иқтисодиётимизнинг таянчи саналган маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва ҳимоя қилиш ҳамда ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштиришга жиддий эътибор қаратиб келинаётир.

Президент Ислом Каримовнинг 2003 йил 26 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо фаолиятни янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг "Экспорт-импорт операциялари мониторингини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борада дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасида мазкур ҳужжатларнинг ижросига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Қўмита раиси Б.Парпиев бошқарган анжуманда бу борадаги ишлар, юзага келаётган баъзи муаммолар ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи тадбиркорлар, корхона, ташкилот, банк ва солиқ хизмати масъул ходимлари иштирокида муҳокама этилди.

Якунланган йилда мамлакатимизда миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг янги босқичига қадам қўйилди. Барча ривожланган мамлакатлар сингари миллий валюта — сўмни жорий операцияларда эркин айирбошлаш имкони яратилди.

Натижада ташқи иқтисодий фаолиятнинг сезиларли даражада жадаллашгани кузатилди. Шу боис божхона хизмати ходимлари томонидан тизимга оид қонунчиликни кенг тарғиб этиш масаласига зарур эътибор қаратиб келинаётир.

Бугунги кунда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, мамлакатимиз худудига ташқи инвестицияни кўпроқ жалб этиш ҳамда ўзимизда ишлаб чиқарилаётган товарларни ташқаридан келтирилаётган товарлар экспанциясидан ҳимоялашни жорий этишга катта аҳамият бериляпти. Амалда фойдаланилаётган, божхоналаримиз орқали кириб келаётган 10 минг 613 турдаги товар-моддий бойликларга нисбатан қўлланилаётган бож тариф ва ставкалари қайта кўриб чиқилди.

Вазирлар Маҳкамасининг шу йил бошида қабул қилган "Бож-тариф билан тартибга солишни янада такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори асосида ўзимизда ишлаб чиқарилмайдиган 2442 турдаги технологик асбоб-ускуна, хомашё, бутловчи қисм ҳамда халқ истеъмоли молларига нисбатан бож ставкалари сезиларли даражада қисқартирилиб, уларнинг импорти учун қулайлик яратилди.

Шу билан бирга, юртимизда ривожланиб келаётган кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоялаш мақсадида ўзимизда ишлаб чиқариш имконияти мавжуд бўлган 1758 турдаги товарнинг бож ставкалари оширилди.

Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 14 январдаги "2004-2005 йиллар даврида маҳаллий хомашё негизида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори эса бу ишларнинг мантиқий давоми бўлди. Зеро, бу ҳужжатда иқтисодиётнинг турли тармоқларидаги юзга яқин янги лойиҳани амалга ошириш бўйича божхона тўловлари ва солиқлардан катта ҳажмда имтиёзлар берилиши белгиланди.

Буларнинг барчаси қонуний фаолият юритаётган тадбиркорларни ҳимоялаш, маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошираётган ишбилармонларга нисбатан енгилликлар яратишга қаратилган.

Очиқ мулоқот тарзида ўтган тадбирда берилган саволларга мутахассислар томонидан батафсил жавоблар қайтарилди.

**Норгул АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# ИҚТИСОДИЁТ янгиликлари

## «Водий маржони»нинг ипак гиламлари



Охунбобоев туманидаги "Водий маржони" кичик корхонасида илгари хонатлас ва адрас ишлаб чиқарилларди. Янги йилдан бошлаб буюртма асосида ипак гиламлар ҳам тайёрлаш йўлга қўйилди. Қўлда тўқилган, табиий бўёқлар — анор ва ёнғоқ пўчоқлари рангидан ишлов берилган бу маҳсулотга талаб катта.

## Тадбиркорлар маҳсулотининг кўргазмаси

"Фарғонакўргазмасавдо" ташкилотининг кўргазма залида вилоятда фаолият кўрсатаётган 100 га яқин кичик бизнес субъектлари ва хусусий корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар намойиш этилмоқда. Марғилон шаҳридаги "Юлдузча", "Али Мавжуд" хусусий корхоналарида тайёрланган болалар пайпоқлари, калишлар, туфличалар, "Фермиал—ВАО" Ўзбекистон-Хитой масъулияти чекланган жамиятининг қандолатлари, "Ёрқин" деҳқон хўжалигининг конвсервалари, "Қуватекстил", "Кварц". "Қўқоннон" корхоналарининг ноозиқ-овқат ва озиқ-овқат маҳсулотлари, айниқса, унинг қатнашчиларига манзур бўлмоқда.

Кўргазмада 10 миллиард сўмлик шартномалар имзолаш кутилмоқда.

**Ўз мухбиримиз.**

## Жиззах оҳаги — хорижга

Жиззах вилоятидаги "Оҳак" ҳиссадорлик жамияти қайта таъмирлангач, бир кеча-кундузда 200 тоннадан зиёд оҳак пишириш қувватига эга бўлди.

Корхонада 150 нафардан зиёд киши ишламоқда. Улар Қозоғистонга 12 минг тонна, Тожикистонга эса 8 минг тонна оҳак етказиб бериш юзасидан шартномалар имзолаб, эндиликда ана шу буюртмани бажаришга ҳаракат қилмоқдалар. Айни пайтда Жиззах оҳаги "Зарафшон-Ньюмонт" қўшма корхонаси ҳамда Олмалиқ кон-металлургия комбинатига ҳам юборилмоқда.

**Б. САТТОРОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

## Деҳқонларнинг шаҳарликларга тортиғи



Самарқанд туманидаги Ҳикмат Асадов номли масъулияти чекланган жамияти иссиқхонаси деҳқонлари қиш ойларида Самарқанд ва Тошкент шаҳарлари аҳолисига 76 тоннадан ортиқ бодринг етказиб бердилар.

Корхона раҳбари Дилором Асадованинг айтишича, бу ерда етиштирилган помидор ва лимон маҳсулотлари ҳам савдога чиқарилмоқда.

**А. САТТОРОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

## Фотоэлектр станцияси

Пойтахтдаги "Фотон" ҳиссадорлик жамиятида кўплаб миқдорда қуёш энергияси асосида ишлайдиган турли қурилмалар тайёрланмоқда. Яқинда "Трансферт технологияси" агентлиги мутахассислари билан ҳамкорликда яна бир янги маҳсулот — фотоэлектр станцияси қурилмаси яратилди. Улардан бир нечтаси эса Қорақалпоғистон Республикасининг олис қишлоқлари ва овулларида ўрнатилди.

**А. АЛИЕВ.**

## Чиннисозлар Хивада ҳам бор



*«Хива-сопол» ҳиссадорлик жамиятида чиройли, ранг-баранг, сифатли сопол ва чинни буюмлари ишлаб чиқарилмоқда. Бу ерда тайёрланган чойнак, пиёла, турли-туман сопол ёдгорликлар ҳам мамлакатимиз аҳолисига, қолаверса, хорижлик сайёҳларга манзур бўлмоқда. Сабаби — 200 нафар ишчи қадимий Хоразм кулолчилик санъати анъаналарини замонавий услуб билан уйғунлаштириб, маҳсулотларнинг харидоргирлигини оширмоқда.*



**СУРАТЛАРДА:** ишчилар Мадина Оллоберганова ва Малика Бобожонова; тайёр маҳсулотлар.
**Рўзмат ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган суратлар.**

# Эллик биринчи мўъжиза



Элликқалъа ва элликқалъаликлар тўғрисида ёзилган китоблар, очерклар, мақолалар, шеърлар ва достонлар рўйхати тузиб чиқилса, бир жилдга сиғмаслиги мумкин. Муаллифлар орасида эл назарига тушган адибу шоирлардан тортиб оддий кишиларгача бор. Давлат арбоби Альберт Гор, фазогир Владимир Жонибеков, жаҳонга машҳур ёзувчи Чингиз Айтматов, эл севган қўшиқчи Юлдуз Усмонова ва бошқа ўнлаб номдор кишилар шулар сирсига киради.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири, Элликқалъада ўтказиб келинаётган адабий анжуманлар ташкилотчиси Абдулла Орипов шундай деб ёзади: «Ўзбекистоннинг шимоли-ғарбида Женева ёки Оврупонинг бошқа бирор гўзал шаҳрига тенг келадиган маскан бор деганда, шубҳасиз, мен Элликқалъани эсга оламан ва бундан фахрланаман. Чунки Элликқалъа қисқа фурсатда саҳрода бунёд этилган энг сўлим масканлардандир. Уни ҳеч иккиланмасдан ўзига хос мўъжиза, дейиш мумкин».

Элликқалъа инсон истиқомат қиладиган маскан сифатида жуда қадим-қадимда бунёд этилган. Шундан буён бу ерда Оллоҳ бино айлаган дастлабки мўъжизалар — салобатли Султонвайс тоғи, мовий Ақчакўл, олис асрларда мавжланиб оққан Ақчадарё, косовни қадаб қўйсангиз ҳам кўкарадиган олтин тупроққа қўшимча инсон томонидан элликка яқин турли мўъжизалар яратилган. Улар орасида, энг аввало, асрлардан асрларга тилсиз гувоҳ тарзида ўтиб келаётган маҳобатли қалъаларни тилга олиш керак. Йўқ, қалъалар ҳам тилга кирар экан. Қадимшунос Сергей Толстов Тупроққалъанинг уч қаватли азим саройидан юзга яқин ҳужжатларни топди. Тупроққалъа, Қизилқалъа, Қаватқалъа, Елликқалъа, Думанқалъа, Гулдурсунқалъа, Норинжонқалъа, Бургутқалъа, Қирққизқалъа, Қўрғошинқалъа, Бозорқалъа, Уйқалъа, Қумбосганқалъа, Қўйқирилганқалъа, Яккапорсонқалъа, Қўшпорсонқалъа... Энг йирик қалъалар сони элликдан ошади!

Юқорида қайд қилганимиздек, бундан бир неча минг йил аввал ҳозирги гўзал ва хушбичим Бўстон шаҳри ўрнида, Қават маконида олис аждодларимиз яшашган. Шундан аждод ва авлодларимизнинг қалъа ҳамда арна, яъни канал барпо этиш борасидаги бир неча минг йиллик тарихи бошланади. Жумладан, Аёзқалъа мажмуи қудратли Кушон империяси, Тупроққалъа дастлабки хоразмшоҳлар, Елликқалъа Африғ, Қаватқалъа Буюк хоразмшоҳлар даврида бунёд этилган. Кўп сонли арналар тарихи эса академик Яҳё Ғуломовнинг ўлмас асарида атрофлича асослаб берилган.

Ўтган асрнинг етмишинчи йилларида бу ерда минг йил аввал мавж урган ҳаёт дарёси қайта оқа бошлади. 1972 йилдан бошлаб Тўрткўл ва Беруний туманлари чўлқуварлари асрий саҳрога эзгу ният билан қадам қўйдилар.

— 1973 йили Элликқалъага Тўрткўлдаги «Намуна» жамоа хўжалигидан бригада бошлиғи бўлиб келгандим, — дейди «Элликқалъа» овул фуқаролар йиғини котиби Рейимбой Қулимов. — Ер асрлар бўйи сувни соғиниб ётган экан, бир неча марта суғоришга тўғри келди. Лекин илк экинлар шундай мўл ҳосил бердики, битта сабзи бир килограмм, битта тарвуз йигирма килограмм тошни босганини кўрганлар ҳозир ҳам бор. Айниқса, пахта мўл бўлди. У пайтларда сувчи ҳам, механизатор ҳам, бригада бошлиғи ҳам, ошпаз ҳам ўзим эдим. Пахта териш машинасининг бункери пайкалнинг бу бошидан у ёғига бормасдан тўлиб қолгани, юқорига чиқиб зичлаб тушганим кечагидек эсимда. Энг муҳими, Элликқалъага ерни ер, элни эл қиламан, деган мардлар келгани, улар қаторида биз ҳам борлигимиздан фахрланамиз!

Эгамберган Рейимбоев, Саъдулла Раҳмонов, Очил Рўзимов, Сафарбой Рейимов, Сувонберди Жуманиёзов, Комилжон Абдураимов, Ҳикматулла Фахрутдинов, Саодат Қурбонбоева, Жамила Бекжонова ва бошқа чўлқуварлар ҳам, ишонаманки, мени қўллаб-қувватлайди.

Эсимда, қолоқроқ туманлардан бирига борганимда, ботқоққа айланган кўримсиз кўча бошидаги каттакон чала иморатга кўзим тушган эди. Ҳамроҳим:

— Бу бинони қуриш бошланганда тўнғич ўғлим беш ёшда эди. Ҳозир унинг беш ўғли бор! — деган эди «уҳ» тортиб.

Ушбу сатрлар муаллифи эса Элликқалъанинг эллик биринчи мўъжизаси — Бўстон шаҳрининг атиги беш йилда кўркам тарзда қад ростлаганига шоҳиддир. Тўрт-беш йил мобайнида туман ҳокимлигининг маҳобатли биноси, кўп қаватли турар жойлар, «Чўлқувар», «Жайҳун», Улуғбек номидаги киноконцерт заллари, Алоқа уйи, «Бўстон» меҳмонхонаси, пахта тозалаш заводи барпо этилди.

Айни чоғда Элликқалъанинг чин маънода эллик биринчи мўъжизага айланиши, шоир таърифлаган сайқалли замин сифатида донг таратиши мустақиллик йилларига тўғри келди. Истиқлол элликқалъаликларнинг қайноқ қалбларига сўнмас илҳом, яратиш ишқини солди.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Ўзбекистонимиз мустақиллигини эълон қилган куни элликқалъаликлар 20 минг кишилик стадион барпо этиш ташаббуси билан чиқдилар. Бу улкан иншоот 8 ойда қурилиб, фойдаланишга топширилди. 1992 йилнинг ёзида «Элтекс» қўшма корхонасига биринчи ғишт қўйилиб, 1994 йил ноябрида ишга туширилди. Ўз пахтамизни ўзимиз тайёр маҳсулотга айлантира бошладик. 1995 йил бошида Элликқалъа тумани мамлакатимизда биринчи бўлиб деҳқончиликда ёппасига фермерлик ҳаракатини бошлаб берди.

## Ислоҳот ва самара

Бора-бора Элликқалъа иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш борасида наинки Қорақалпоғистонда, балки Ўзбекистон миқёсида ҳам пешқадамлар қаторига чиқиб олди. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 14 ноябрдаги 461-қарорига кўра, Элликқалъа мамлакатимиздаги Марҳамат, Нишон, Шеробод, Оҳангарон туманлари қаторида Европа Тикланиш ва тараққиёт банкининг «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш лойиҳаси»га киритилди. Ҳозирнинг ўзида шу лойиҳа асосида туман қишлоқ хўжалиги корхоналарига 1,5 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит ажратилди. Натижада 19 та фермер хўжалиги ўзининг иқтисодий аҳволини тубдан яхшилаб олди. Туман 2002 йили ҳам, ўта ноқулай келган 2003 йилда ҳам мазкур қарорда қатъий белгилаб берилган харид квоталаридаги пахта ва ғалла топшириғини ошириб бажарди. Пешқадам фермерлар даласида замонавий техника воситалари, боғ ва томорқаларда эса мини тракторлар ишлатилмоқда. Улар ўз маҳсулотларини «Бўстонсут», «Бўстоншароб», «Шарбат» корхоналарига топширмоқдалар.

Юқорида Элликқалъа тарихини арна ва анҳорлар тарихи, деб атаган эдик. Мустақиллик шарофати туфайли туман ирригациясида туб бурилиш ясайдиган «Бўстон» канали қурилиши ниҳоясига етказилмоқда. Каналнинг биринчи навбати 2003 йилда мавзега обиҳаёт бера бошлади. Ҳозирнинг ўзида бир неча ўн йиллдан буён оқар сувга ёлчимай келаётган «Қирққиз» мавзесида бу масала ижобий ҳал қилинди. Бир неча километрлик охирги ишлар якунига етса, бутун Элликқалъада ирригация муаммолари тўла-тўкис ўз ечимини топади.

Наинки Элликқалъада, балки бутун Қорақалпоғистон жанубида ерларнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилаш ҳам энг муҳим муаммо бўлиб турибди. Ана шу муаммони бартараф этиш учун элликқалъаликлар Жанубий бош коллектор қурилишига қиймати салкам 5 миллион АҚШ доллари турадиган баҳайбат одимловчи экскаваторни жалб этдилар. Бу мўъжизавий механизм бир сменада 5200 куб метр тупроқ қазиб, 66 метр кенглик, 35 метр чуқурликда иш олиб бора олади. Унинг чўмичига бирйўла 11 куб метр тупроқ сиғади. Одимловчи экскаватор узлуксиз ишласа, бутун воҳа мелиорациясида янги давр бошланади.

Элликқалъа хориж сармояларини жалб этиш борасида ҳам пешқадамлик қилиб келмоқда. Айни кунда туманда «Юнивер» Ўзбекистон- Австрия-Бангладеш, «Медикалкеттон Интернейшнл ЛТД» Ўзбекистонда Лихтейнштейн, «Элрослес» Ўзбекистон-Россия қўшма корхоналари фаолият кўрсатмоқда.

Гап қўшма корхоналарнинг сонида эмас, уларнинг ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни жаҳон бозорида сота билишидадир. 2002 йили элликқалъаликлар жами 1272800 АҚШ доллари миқдорида рақобатбардош маҳсулот экспорт қилган бўлса, шунинг 839400 АҚШ доллари «Юнивер» қўшма корхонаси ҳиссасига тўғри келди. Ҳозир биргина «Юнивер»нинг ўзида 2200 нафар киши меҳнат қилмоқда. Улар орасида бир неча хорижий мамлакатлар вакиллари, шу жумладан, қўшни туманларнинг йигит-қизлари бор.

Туманда кичик бизнес субъектлари ҳам жадал ривожланмоқда. 2002 йилнинг 16-17 май кунлари мамлакат миқёсидаги «Минитех-2002» кўргазмасининг туман марказида ўтказилиши ҳам бежиз эмас.

Шу билан бир қаторда Элликқалъада маърифат ва маънавиятга алоҳида эътибор берилмоқда. 1999, 2001, 2003 йилларда мамлакат миқёсидаги ёш хонандалар, ёш шоирлар танловлари ўтказилди. 2002 йилнинг кузида Ўзбекистон Республикаси миқёсидаги «Ҳамшира-2002» танловининг манзили сифатида ҳам айнан Бўстон шаҳри мақбул топилди.

Туманда экотуризмга ҳам кенг шарт-шароит яратилмоқда. Кейинги йилларда бу ерга минг нафарга яқин узоқ хориж сайёҳлари келишди.

Элликқалъа заминида ҳар қадамда мўъжизага дуч келиш мумкин. Ички меъморий нақшлари бетакрор миллий безаклар билан сайқал топган Санъат саройи, Ер куррасининг тўрт тарафидан келтирилган ўсимлик ва дарахтлар барқ уриб ўсаётган Ботаника боғи, мовий Ақчакўл соҳилидаги «Орол болалари» оромгоҳи, қадимий Аёзқалъа қўрғони ёнбошидаги замонавий сайёҳлик манзили шулар жумласидандир.

Биз, бир гуруҳ журналистлар 2004 йилнинг 2-3 январь кунлари туман ҳокими, Олий Мажлис депутати, 2003 йилда «Дўстлик» ордени билан тақдирланган Неъматулла Худойберганов билан туман марказидан 300 километр олисдаги Чуқурқоқ яйловида бўлдик. Меҳр ва мурувват йилида бу гўшада яшовчи отахонлару онахонлар билан суҳбатлашиш, уларга совға-салом улашиш учун ўтовга кирдик. Шунда бизга бир пиёла қайноқ чой узатишди. Чойни ҳўплаб ҳайратга тушдик. Бу ернинг суви бутун дунёга маълум Самарқанд сувидан қолишмайдиган ширин сув эди. Шунда ҳоким бизни чўпонлар шаҳарчаси четидаги «ЭКОС-50» сув чучуклантириш қурилмасига олиб борди. Яна бир мўъжизага дуч келдик.

Ногаҳон 2003 йилнинг августида Бўстон шаҳрида юз берган таниқли ёзувчи Тўлепберген Қаипбергенов билан боғлиқ ажабтовур воқеа эсимга тушди. Июль ойининг охирида Тўлепберген оға бир гуруҳ раҳбарлар, маданият ходимлари билан Элликқалъада бўлганида, туман ҳокими бир гектарча келадиган жойни кўрсатиб:

— Насиб қилса, мана шу жойга «Устозга эҳтиром» обидасини қурамиз, — дедилар.

Орадан ўн икки кун ўтгач, Тўлепберген оға яна Бўстонга келди ва уни ўша жойга бошлаб бордик. Қарангки, ўн икки кун ичида «Устозга эҳтиром» обидаси — юзларидан нур ёғилиб турган муаллима ва истиқболга ишонч билан боққан болакайнинг ҳайкали қад кўтарган, атрофи мармар билан ишланган, теварақда эса анвойи гуллар барқ уриб ўсиб ётар эди. Ёзувчи кўзларига ишонмай қолди. Қўлларини дуога очиб:

— Ўн кун ичида шундай мўъжизани яратган қўлларингиз дард кўрмасин. Сизларни Яратганнинг ўзи ёмон кўздан асрасин!

Ўтган йили Элликқалъада қуриб битказилган мактаб, боғ, йўл, кўприк, янги корхоналар, бинолар, иморатлар сони элликка яқинлашди. Ислоҳотларни татбиқ этишда мамлакатимиз шимолида байроқдор бўлаётган бу масканда янада янги марралар забт этилишига шубҳа йўқ.

**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Элликқалъа ташбеҳлари

*Азиз бўлди бу тупроқ ҳам — дилимдан*
*сафҳалар қўмдим,*
*Саҳифа сингари саҳросида ҳам*
*қалъалар кўрдим.*

*Куюк хатлар каби мозийси*
*узра қарғалар кўрдим,*
*Ҳазин бир лоласи маъвосида ҳам*
*қалъалар кўрдим.*

*Ҳилолидан фалак дарвозасида*
*ҳалқалар кўрдим,*
*Унинг Ерга яқин Зуҳросида ҳам*
*қалъалар кўрдим.*

*Тилимга Ақчакўлнинг мавжларидан*
*лаҳжалар сўрдим,*
*Сополининг синиқ имлосида ҳам*
*қалъалар кўрдим.*

*Кўзим юмдим, азим дарё аро*
*Вақт сингари чўмдим,*
*Бугун ҳам Эртанинг маъносида ҳам*
*қалъалар кўрдим.*

*Қуёшли қалъалардай қалбларин*
*қошида ўй сурдим,*
*Азиз инсонларин сиймосида ҳам*
*қалъалар кўрдим.*

**Сирожиддин САЙЙИД.**

*Ўтган йили Жанубий Осиё ғайриоддий зотилжамдан азият чекди. Бунинг оқибатида минтақа катта иқтисодий зарар кўриш билан бирга, ушбу касалликка мубтало бўлган 8 мингдан зиёд беморнинг 800 нафардан кўпроғи ҳаётдан кўз юмди. Эндиликда мазкур ҳудудда яна бир касаллик — «Парранда вируси» деб ном олган вирус тарқалмоқда.*

# «Парранда вируси»

Бу вирус ўтган йилнинг декабрь ойида Жанубий Кореяда қайд этилганди. Эндиликда у Вьетнам, Япония, Комбожа, Таиланд ва Тайванда ҳам пайдо бўлди. Сўнгги маълумотларга қараганда, бу мамлакатлар қаторига Индонезия ҳам қўшилган.

Айтиш лозимки, бу вирус илк бор 1997 йилда Гонконгда қайд этилганди. Ўшанда бу касалликка чалинган паррандаларнинг 30 фоизи нобуд бўлганди. Шифокорлар вируснинг қўзғатувчиси илгари фақат паррандаларда учрашини аниқлашганда Гонконгда бир кеча-кундуз давомида барча товуқ, ғоз, ўрдак ва каптарлар йўқ қилинган эди. Улар шаҳар четига олиб чиқилиб, зарур чоралар кўрилган ҳолда кўмилган. Ўша йили Гонконгда бу вирус 18 одамга ҳам юқиб, уларнинг 6 нафари вафот этди.

Кейинчалик бу касаллик ҳақида унутилгандек эди. Аммо у яна пайдо бўлди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти мазкур вирус (H5N1) ғайриоддий зотилжам (SARS)дан ҳам хавфлироқ бўлиши мумкинлигини билдирди.

Бугунги кунгача Вьетнамда 12 нафар вирус юқтирган киши қайд этилган. Улардан 3 нафари ҳаётдан кўз юмди. Умуман, ҳозирча вирус тарқалган икки давлатда жами 6 киши касаллик қурбони бўлди. Уларнинг аксарияти болалардир.

Европа Иттифоқи, Хитой ва бошқа бир қатор мамлакатлар вирус тарқалган давлатлардан товуқ гўшти келтиришни тўхтатиб қўйди. Мазкур чоралар бу давлатларнинг иқтисодиётига катта зарар келтириши тайин.

Мутахассисларнинг фикрича, бундан Таиланд, айниқса, катта моддий зарар кўриши мумкин. Маълумки, Таиланд Осиё минтақасида парранда маҳсулотини экспорт қилиш бўйича ихтисослашган давлатлардан бири ҳисобланади. Ўтган йили мамлакат дунё бозорига 1,2 миллиард долларга тенг маҳсулот етказиб берган эди.

Айни пайтда вирус тарқалган мамлакатлар ва уларнинг қўшнилари касалликнинг олдини олиш учун қатъий чоралар кўрмоқда. Масалан, Таиланднинг Субҳонбурий ва бошқа музофотларида миллионлаб товуқлар йўқ қилинди. Вьетнам ва бошқа давлатларда ҳам ана шундай ишлар амалга оширилмоқда.



Шифокорларнинг таъкидлашларича, парранда вируси одамда оғир кечади ва кўпинча ўлимга олиб келади. Аммо ҳали эпидемия ҳақида гапиришга эрта. Гап шундаки, вирус парранда ва чўчқалар орасида тез тарқалади. Лекин у одамлар ичида тарқалиши жуда кам миқдорда қайд этилган. Яна ушбу вирус одамдан одамга ўтмайди.

Шундай бўлса-да, мутахассислар унинг оддий грипп сингари кенг тарқалмаслиги учун барча чораларни кўриш лозимлигини бот-бот таъкидлашмоқда. Уларнинг фикрича, бундай хавф мавжуд.

Шу муносабат билан бир неча кундан кейин Таиландда вирус тарқалган давлатлар раҳбарларининг учрашуви режалаштирилган.

**Салим ДОНИЁРОВ.**

# ОЛАМ НАФАСИ

**Янгиликлар, воқеалар, далиллар**

**Янги рукн:** ***Жаҳон давлатлари парламентлари***

***Маълумки, шу йилнинг охирида республикамизда Олий Мажлисга навбатдаги сайловлар бўлиб ўтади. 2006 йилдан бошлаб эса парламентимиз икки палатали асосида фаолият юрита бошлайди. Хўш, жаҳондаги бошқа давлатларда парламентлар неча палатали? Уларнинг вазифалари нималардан иборат? Парламентлар мамлакат тақдирида қандай роль ўйнайди? Шу ва бошқа саволларга жавоб топиш мақсадида бугундан бошлаб янги рукн ташкил этдик. Ўйлаймизки, бу рукн остида эълон қилинадиган жаҳон давлатлари парламентлари ҳақида қисқача маълумот берувчи мақолалар ўқувчиларимизни бефарқ қолдирмайди. Янги рукн остидаги дастлабки мақоламиз жаҳондаги энг қадимги парламент — Буюк Британия парламенти ҳақида.***

# Спикер овоз беришда иштирок этмайди

Буюк Британиянинг қонун чиқарувчи ҳокимияти дунёдаги энг қадимги парламентлардан ҳисобланади. Жамоалар палатаси (қуйи палата) ва Лордлар палатаси (юқори палата)дан иборат ушбу парламент 1265 йилдан буён фаолият юритиб келмоқда. Жамоалар палатаси аъзолари аҳоли томонидан сайланади. Улар парламентда асосий ишни бажаради. Кўплаб вазирлар шу палата аъзоларидан сайланади. Анъанага биноан, Бош вазир ва бошқа ҳукумат аъзолари ҳам парламент аъзоси бўлиши шарт. Жамоалар палатаси аъзолари Лордлар палатаси аъзолари каби янги қонунлар қабул қилишда иштирок этади. Ҳукумат ишини кузатади, хатоларини кўрсатади, вазирлар билан суҳбатлар ўтказади.

Буюк Британияда 18 ёшдан ошган барча фуқаролар овоз бериш ҳуқуқига эга. Мамлакатда 659 та сайлов участкаси бўлиб, уларнинг ҳар биридан биттадан Жамоалар палатаси аъзоси сайланади. Сайловда қатнашиш фуқаролар учун мажбурий эмас. Сайлов тартиби ҳам жуда оддий. Нечта номзод қатнашишидан қатъи назар, кўп овоз олгани Жамоалар палатаси аъзоси бўлади. Парламент аъзолиги муддати — беш йил.

Сайловларда 21 ёшдан ошган ҳар бир Буюк Британия фуқароси ўз номзодини Жамоалар палатаси аъзолигига кўрсатиши мумкин. Бирор сабаб билан бу ҳуқуқдан маҳрум этилганлар бундан мустасно, албатта. Номзодлар давлат хазинасига 500 фунт стерлинг қўйиши шарт. Агар у 5 фоиздан кўп овоз олса, бу пул қайтариб берилади. Номзод сайлов давомида кўпи билан 4430 фунт стерлинг сарф қилиши мумкин.

Жамоалар палатасини спикер бошқаради. Муҳокамаларга ҳам у раислик қилади. Спикер Лордлар палатаси, ҳукумат аъзолари билан ва Қирол қароргоҳида бўладиган музокараларда Жамоалар палатаси номидан қатнашади. У қоидани бузган парламент аъзосини маълум муддатга парламент ишидан четлаштириш ҳуқуқига эга.

Спикер ва унинг уч ўринбосари у ёки бу масалага овоз беришда иштирок этмайди. Парламент янгитдан сайланганда, ишлаб турган спикер вафот этса ёки пенсияга чиқса, янги спикер сайланади. Унинг номзодини парламент аъзоларидан бири ёхуд ўзи ҳам кўрсатиши мумкин. Битта номзод кўпчилик овоз олмагунча бу масала муҳокамаси давом этаверади. Жамоалар палатасида 1979 йилдан буён асосий вазирликлар ишини ўрганадиган 16 та қўмита фаолият юритиб келмоқда.



Бош вазир ҳар чоршанба куни соат $15^{00}$дан $15^{30}$гача қуйи палата аъзолари саволларига жавоб беради. Парламентнинг ҳар бир аъзоси савол бериш ҳуқуқига эга. Фақат ҳокимиятни эгаллаб турган партия ва мухолифат партия етакчиларигина қўшимча савол бериши мумкин.

Бюджетни қабул қилиш парламентнинг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Бюджетда келгуси молиявий йил солиқ режаси ва навбатдаги уч йилги давлат харажатлари режаси кўриб чиқилади.

Буюк Британия парламенти қуйи палатаси аъзолари йилига 45066 фунт стерлинг маош олади. Улар ҳам бошқа фуқаролар каби даромадларидан солиқ тўлайдилар. Шунингдек, уларга ҳар йили котиба сақлаш ва тадқиқотлар учун яна 49232 фунт стерлинг сарфлашга рухсат берилади. Бундан ташқари, Жамоалар палатаси аъзолари Лондондаги уйини сақлаш ва бошқа харажатлар учун қўшимча маблағ ҳам олиши мумкин. Палата спикери маоши вазирлар маоши билан тенг келади.

Лордлар палатаси аъзолари деярли сайланмайди. Улар асосан пэрлар (олий дворянлик унвони), черковнинг олий мансабдорлари, олий судьялардан ташкил топади. Илгари Лордлар палатаси аъзоларининг бир қисми обрўли ва бой кишилар орасидан сайланган. Аммо кейинчалик қиролга умрбод пэрлик унвонини тақдим этиш ҳуқуқи берилгач, умрбод Лордлар палатаси аъзолари бўладиган одамлар сони анча кўпайди. 1990 йилга келиб, юқори палата аъзоларининг учдан икки қисмини, яъни 783 нафарини меросхўр пэрлар ташкил этди. Палатанинг қолган аъзолари эса қуйидаги таркибдан иборат бўлди: 354 нафар умрбод пэр, 2 нафар архиепископ, 22 нафар епископ ва 22 нафар олий судья.

Лордлар палатаси аъзолари Жамоалар палатаси аъзолари билан бир хил вазифани бажарса-да, улар солиқ ва молия масалалари бўйича ўтадиган муҳокамаларда иштирок этмайди ва қарорлар қабул қилмайди. Уларнинг асосий вазифаси қуйи палатада ишлаб чиқилган қонунлар ва қарорларни мукаммаллаштириш ва қабул қилишдан иборат.

Барча биллар (қонунлар лойиҳаси) қайси палатада тайёрланган бўлишидан қатъи назар, ҳар икки палата муҳокамасидан ўтади. Агар Лордлар палатаси ҳужжатга бирор ўзгартиш киритса, уни қуйи палата ҳам қабул қилиши керак. 1911 йилда қабул қилинган қонунга биноан, юқори палата Жамоалар палатаси қабул қилган қонунларни рад этиш ҳуқуқига эга эмас. Улар бу қонунни Қирол тасдиғига киритишини бир йилга кечиктира олади, холос.

Лордлар палатаси Англия, Уэльс, Шимолий Ирландиянинг фуқаролик ишлари бўйича Олий апелляцион суди ҳам ҳисобланади. Парламентнинг юқори палатасида асосан иккита қўмита фаолият юритади. Европа Ҳамжамияти бўйича қўмита ЕИга тақдим этиладиган ҳужжатларнинг қораламасини ўрганади. Сўнгра Вазирлар Маҳкамаси тасдиғига киритади. Бу қўмита таркибида олтита кичик қўмита бор. Фан ва техника бўйича қўмита соҳадаги тадқиқотларни ўрганади. Унинг таркибида иккита кичик қўмита мавжуд. Шунингдек, палатанинг ички ишлари бўйича умумий ва хусусий ҳуқуқ масалалари қўмитаси ҳам фаолият юритади.

Буюк Британия парламентида бирлашган қўмиталар ҳам иш юритади. Бундай палаталар биллар ва қонунчилик актларини биргаликда тайёрлаш учун ҳар икки палата аъзоларидан ташкил топади. Бирлашган қўмиталарга икки палатадан бир хил миқдордаги аъзолар жалб қилинади.

Лордлар палатаси спикери лорд канцлер ҳисобланади. Унинг иши Жамоалар палатаси спикери иши каби кўп эмас. Чунки дебатлар пайтида лордлар ўзлари тартиб сақлайдилар. Лордлар палатаси аъзолари ҳукуматда бир қанча лавозимларни эгаллаши мумкин. Ҳукуматда бирор лавозимда ишламайдиган пэрларга маош тўланмайди, аммо парламентдаги иши бўйича харажатлари қопланади.

Ўзбекистон ва Буюк Британия парламентлари ўртасида яқин муносабатлар ўрнатилган. Икки парламент аъзолари тез-тез делегациялар алмашиб туради.

**Беккул ЭГАМҚУЛОВ**

## Муваффақиятли парвоз

**Хабарингиз бор, айни кунларда америкалик олимлар Марсни тадқиқ қилмоқдалар. Шу йил 4 январь куни «Спирит» аппарати Қизил сайёрага қўниб, Ерга расмлар узатди. «Оппортьюнити» деб номланган иккинчи сунъий йўлдош ҳам Марснинг бошқа тарафига муваффақиятли қўнди. У бу ерда сув бўлган-бўлмаганини аниқлайди. Олимларнинг тахмин қилишича, «Оппортьюнити» тушган ҳудудда сув билан боғлиқ элементлар топилиши мумкин.**



## Мулла Умар қўлга тушди

**Покистон полицияси Толиблар етакчисининг ёрдамчиси, Бодғис музофотининг собиқ губернатори Мулла Умарни Чаман шаҳри яқинида ҳибсга олди. Афғон ҳукумати Мулла Умарни мамлакатда давом этаётган тартибсизликларда ва содир этилган турли террорчиликларда тўғридан-тўғри алоқаси борлигида айбламоқда. Маълумотларга қараганда, у Толибон режимининг молиявий ишлари билан ҳам шуғулланган.**

**Ҳозирча Мулла Умар АҚШ ҳукумати ёки Афғонистонга топширилиши ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ.**

## Ҳарбийлар чиқиб кетадими?

**Михаил Саакашвили Грузия Президентлиги лавозимини эгаллаш учун мамлакат парламенти биноси олдида қасамёд қилди. У мамлакат конституцияси ва мустақиллигини ҳимоя қилиш ҳамда давлат яхлитлигини таъминлаш, шу билан бирга, Президент зиммасидаги барча масъулиятни бажаришга ваъда берди.**



**АҚШ Давлат котиби Колин Пауэлл Саакашвилини қутлаш учун якшанба куни Тбилисига етиб келди. У куннинг иккинчи ярмида Москвада бўлди. АҚШ Давлат котиби Россия Президенти Владимир Путин билан Грузия масаласини муҳокама қилиши кутилмоқда. Айни пайтда АҚШ тарафи Россия ҳарбийларини Грузиядан олиб чиқиб кетишга ундамоқда.**

## Хорижий сармоядорларга кенг йўл

**Ливия дунё билан кенг миқёсда ҳамкорликни йўлга қўйишга ҳаракат қилмоқда. Мамлакат Бош вазири Шукри Ганем кўп йиллик халқаро таъқиқлардан сўнг мамлакат иқтисодиётига хорижий сармоядорларни жалб қилиш лозимлигини маълум қилди.**

**Мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш учун, хорижий инвестицияга имкони борича кенг йўл очиб бериш бизнинг асосий мақсадимиз, деди Ганем Financial Times газетасига.**

## Қочоқларга уй-жой керак

**БМТнинг Фаластин қочоқлари билан шуғулланувчи агентлиги уларга уй-жой қуриш учун 25 миллион доллар маблағ ажратилишини сўраб ҳамжамиятга мурожаат қилди. Бу ишларни бажаришда биз донор давлатларни ҳамкорликка чорлаймиз, деди агентлик раҳбари Петер Хансен. Исроил армияси томонидан рухсат берилгандан сўнг, агентлик 474 қочоқни ўз жойларига қайтариб, уларнинг уйларини қайта тиклашда ёрдам берди.**

## 20 йилдан бери кузатилмаган совуқ

**Европада бу йил қиш фасли кутилмаганда совуқ келди. Айни пайтда Руминиянинг шимоли-шарқида тўсатдан ҳаво ҳароратининг тушиб кетиши оқибатида тўрт одам қурбон бўлди. «Танюг» ахборот агентлигининг хабар беришича, Нямц уездида қаттиқ совуқ ва кучли қор ёғиши оқибатида аҳоли жабр кўрмоқда. Транспорт йўллари ёпилган, кўплаб аҳоли пунктлари электр қувватисиз қолган.**

**Метеорологларнинг маълум қилишича, бундай ҳолат мамлакат тарихида охирги 20 йилдан бери кузатилмаган.**

## Билл Гейтс — рицар

**Британияда чиқадиган The Telegraph газетасининг маълум қилишича, Microsoft корпорацияси асосчиси ва дунёнинг энг бой одами Билл Гейтс рицарлик унвонини қабул қилишга тайёргарлик кўрмоқда. Буюк Британия молия вазири, лорд-канцлер Гордон Браун тавсияси биноан, америкалик тадбиркор шундай унвонга лойиқ кўрилди. Бундан ташқари, у катта хайриялар қилган саховатли инсон сифатида ҳам маълум.**




**Бундай юксак унвонга илгари АҚШнинг собиқ президенти катта Жорж Буш, Нью-Йорк шаҳрининг собиқ мэри Рудольф Жулиани ва кинорежиссёр Стивен Спелбирглар ҳам муносиб кўрилган.**




## Хотирани мустаҳкамлаш учун

Рутгерс университети профессори Бонни Файрстайн ва унинг ҳамкасблари «Ципин» номли оқсилнинг функциясини ўрганишди. Маълум бўлишича, у одам миясида асаб ҳужайралари ўсишига кўмаклашар ва уларнинг ўзаро алоқаларини шакллантираркан.

Олимлар шундан келиб чиқиб, ципин асосида инсон хотирасини мустаҳкамлайдиган таблеткалар яратишни режалаштиришмоқда. Бундан ташқари, мазкур кашфиёт асаб касалликларини даволашда янги усуллар топилишига ҳам хизмат қилади.

## Музлатгичда тирилган одам

Ҳиндистон шимолидаги Хариёна штатида ғаройиб воқеа содир бўлди, яъни ўлган одам музлатгичда бир неча соат сақлангач, қайта тирилди.

Хабарларга қараганда, бу одамни полициячилар йўлда ўлиб ётган ҳолда топиб, шифохонага олиб келишган. Шифокорлар уни текшириб, «У бу ерга олиб келингунча оламдан кўз юмган» деган хулосага келишган ва полициячиларга бу ҳақда ёзма равишда тилхат ҳам беришган. Аммо орадан бир неча соат ўтгач, у одам ўзига келган. Ҳозир у даволанмоқда.

## Шўр овқат, зарар

Япониялик олимлар туз «оқ ўлим» деганлари рост эканини яна бир бор тасдиқлашди. Улар томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижаларига кўра, шўр таомларни мунтазам истеъмол қилиш ошқозон ракига олиб келиши мумкин. Айтиш лозимки, касаллик, айниқса, эркакларда кўпроқ учраркан.

Тадқиқотлар натижалари шўр таомларни хуш кўрувчилар ошқозон ракига оддий одамлардан кўра икки баробар кўпроқ мубтало бўлишини кўрсатган. Таъкидлаш жоизки, изланишлар давомида кўп тузли овқатларни хуш кўрувчи аёллар ҳам ўз соғлиғига зарар келтиришлари аниқланган.

## Вино ўрнига таблетка

Италиянинг Pavese Pharma фармакология институти мутахассислари француз қизил виносининг алкоголдан бошқа барча хусусиятларини сақлаб қолувчи таблеткалар ишлаб чиқаришни таклиф этишмоқда.

Фармакологларнинг фикрича, бу таблеткалар юрак-томир тизими учун фойдали. Улар ҳатто, ракнинг олдини олишда ҳам асқотади.

## Шоҳмот жанг майдонидан афзал

Австралия Қуролли кучлари жанговар ҳолатларда тўғри стратегия ва тактика танлаш учун ҳарбий машқлар ўтказишга эмас, балки ... шоҳмот ва шашка ўйинларига мурожаат қилишни афзал топишди.

Мамлакат мудофааси соҳасида фаолият юритаётган олимларнинг айтишларича, улар юзлаб шоҳмот ва шашка ўйинларини кузатиб, қайси юриш ўйинга қандай таъсир ўтказганини ўрганиб чиқишган.



Австралия Мудофаа вазирлигининг илмий-техника бўлимининг мутахассиси Грег Келбертнинг маълум қилишича, шоҳмот ва шашкадан олинган натижалардан Қуролли кучларда ҳарбийларни «уруш пайтида тўғри қарорга келиш»га ўргатиш учун фойдаланилади.

## Олмани арчиб ейиш фойдали

Токио университети тадқиқотчиларининг таъкидлашича, олмани пўстидан тозалаб истеъмол қилиш фойдали экан.

Бу жараённинг ўзи бошга қон келишини кучайтиради ва умуман, миянинг ишлашига ижобий таъсир кўрсатади.



Аммо мутахассисларнинг айтишича, бу жараёнга «мия учун машқ» сифатида кўпам урғу бераверииш керак эмас.

## Гўшт хоҳласанг, қўзиқорин еб кўр

Чилидаги қўзиқорин маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи компаниялардан бири гўшт таъмини берувчи қўзиқоринлар яратганини маълум қилди.

Funghi Chile Ltd компанияси ижрочи директори Риккардо Санчеснинг айтишича, янги маҳсулотда гўштнинг барча хусусиятлари мужассамлаштирилган. Унинг таъми ҳам худди гўштникидек.

Маълумотларга кўра, маҳсулот тез орада экспортга чиқарилади.




***Инсоният азалдан гўзалликка ўч. Бангладешлик балиқчилар қайиқлар ёрдамида шундай гўзал гул шаклини яратишди.***

# Ишсизлар кўпаймоқда

2003 йилда дунё бўйича ишсизлар сони 186,9 миллион одамни ташкил этди. Бу кишини дунёдаги ишга лаёқатли бўлган аҳолининг 6,2 фоизга тенг. Бу 1990 йилдан, яъни Халқаро меҳнат ташкилоти турли маълумотлар асосида йиллик ҳисоботларини чоп эта бошлаганидан буён энг юқори кўрсаткичдир.

Дунё бўйича бир йил ичида ишсизлар сони 500 минггача ортди. Халқаро меҳнат ташкилоти ҳисоботида айтилишича, охирги йиллар давомида ишсизлар сони кескин ортишига ғайриоддий зотилжам эпидемияси, Ироқдаги нотинч вазият ва туризм соҳасида кузатилаётган инқироз ҳам сабаб бўлмоқда.

Бундан бир йил олдин дунё бўйича ишсизлар сони 185 миллион, 2001 йилда – 177 миллион, 2000 йилда эса 174 миллион киши эди.

Айни пайтда ишсизликдан 15 ёшдан 24 ёшгача бўлган ёшлар кўпроқ азият чекмоқда.

"Бизни қаттиқ хавотирга солаётган бир масала мавжуд, у ҳам бўлса, дунёдаги иқтисодий ўсиш. Агар иқтисодий ўсиш суръатлари кўтарилмаса, бизнинг янги иш ўринлари ташкил этиш ҳақидаги режаларимиз амалга ошмай қолади.

Кўпгина мамлакатлар ўз олдига 2015 йилгача камбағалликдан қутилиш вазифасини қўйган эди. Бироқ уларнинг камдан-ками бу вазифани уддасидан чиқиши мумкин", дейди Халқаро меҳнат ташкилоти бош директори Хуан Сомавиа.

**Хуршид РАУПОВ.**

## Академик Абдуманноп РАҲИМЖОНОВ



Шафқатсиз ўлим тиббиёт соҳасининг йирик намояндаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, академик Абдуманноп Раҳимжоновни 77 ёшида орамиздан олиб кетди.

А.Раҳимжонов 1927 йилда Тошкент шаҳрида туғилди. 1947 йили Тошкент давлат тиббиёт институтининг даволаш факультетини тугатиб, республика травматология ва ортопедия илмий-текшириш институтининг нейрохирургия бўлимига ординатор этиб қабул қилинди. 1948 йилдан то умрининг охиригача Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида ассистент, доцент, профессор лавозимларида ишлади. 1957 йилда номзодлик, 1964 йилда докторлик диссертацияларини ҳимоя қилди. 1967-97 йилларда институтнинг невропатология кафедрасини бошқарди, ўн уч йил ректор лавозимида фаолият кўрсатди. Институтнинг мамлакатимизнинг йирик ўқув-тиббий муассасасига айланишида олимнинг хизмати салмоқлидир. Унинг ташаббуси билан бир неча янги лабораториялар, рефлексотерапия бўйича малака ошириш курси ташкил этилди.

А.Раҳимжонов нейрофизиология соҳасида етакчи мутахассис эди. Унинг бевосита раҳбарлигида ўндан ортиқ асаб хасталиклари бўйича тадқиқотлар олиб борилиб, янги диагностика мезонлари ишлаб чиқилди ва самарали даволаш усуллари амалиётга татбиқ этилди. Олимнинг кўплаб мақолалари хорижий мамлакатларда нашр қилинган ва мутахассислар томонидан юксак баҳоланган. У 1979 йилда Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, 1995 йилда академиги этиб сайланган. Шу даврда унинг илмий-ташкилотчилик фаолияти республика Фанлар академияси билан чамбарчас боғлиқ бўлган. А.Раҳимжонов академиянинг биология бўлимида бюро аъзоси, 1985 йилдан бошлаб шу бўлимнинг тиббиёт секцияси раисининг ўринбосари вазифасини бажарди.

А.Раҳимжонов моҳир педагог, саховатли устоз эди. 55 йиллик педагогик фаолияти давомида республикамизда шифокор-невропатологлар тайёрлашга улкан ҳисса қўшди, минглаб тиббиёт ходимлари унинг раҳбарлигида малакасини оширди.

Олимнинг мамлакатимиз тиббиёт тизими олдидаги хизматлари муносиб тақдирланган. У «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби» фахрий унвонига, қатор орден ва медалларга сазовор бўлган.

Бутун умрини инсон саломатлигини муҳофаза қилишдек эзгу ишга сарфлаган олим, меҳрибон мураббий, олижаноб ва камтарин инсон Абдуманноп Раҳимжоновнинг порлоқ хотираси халқимиз қалбида мангу сақланиб қолади.

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Фанлар академияси.**

### *2004 йил — Меҳр ва мурувват йили*



*Ривожланган мамлакатларда айни вақтда 200 дан 400 тагача қариялар уйлари бўлиб, уларда боқувчисини йўқотган, касалманд, ногирон, кексалар, уруш ва турли ҳалокатлардан жабр кўрганлар яшайди. Давлатларнинг йирик ишлаб чиқариш корхоналари ва компаниялари уларни оталиққа олган. Катта-кичик муаммоларини оталиқ ва нодавлат ташкилотлар, турли хайрия жамғармалари кўмагида ҳал этиб боради. Хўш, бизда бу масалалар қандай ҳал этилади? Қариялар уйларидаги аҳвол қандай? Мухбиримиз бу саволга пойтахтдаги республика уруш ва меҳнат фахрийлари пансионатидан жавоб топишга ҳаракат қилди.*

# Ота ўтирган уй

Республикамизда 34 та қариялар уйи бўлиб, буни юқоридаги кўрсаткичлар билан солиштирсак, бизда кексалар уйлари анча камлигига ишонч ҳосил қиламиз. Аслида шарқона менталитетимизга кўра, улар умуман бўлмаслиги ҳам мумкин эди. Аммо ўтган асрнинг айрим қусурлари халқимиз турмуш тарзида ҳам акс этди. Ёши бир жойга бориб қолганда муросага келолмай ажрашган, фарзандлари томонидан қўллаб-қувватланмаган отахонлар ё онахонлар ўша жойлардан кўним топаётгани саноқли даражада бўлса-да қайд этилди. Республика нуронийлар пансионатидаги жами 164 қариянинг қарийб 90 фоизини уруш ва меҳнат фахрийлари, ногирон ва якка-ёлғиз кишилар ташкил этади. 80-100 ёшли кексалар билан бирга байналмилал жангчи ногиронлар ҳам бор.

Нуронийлар уйида меҳнат қилаётган шифокордан тортиб, оддий хизматчига қадар бу ерда яшаётганларга яхши муомалада бўлишлари сезилиб туради. Агар сиз бу уйнинг 40 ўринга мўлжалланган стационар бўлимини бир айланиб чиқсангиз, бунга амин бўласиз. Ҳар куни даволанишга, парвариш ва назоратга муҳтож, бир неча йиллардан буён тўшакка михланган қариялар... Баъзиларининг уззукун ногиронлик аравачасида ўтириб, ташқарини кузатишга аранг кучи етади. Лекин гап-сўзлари тетик, атрофидагилардан миннатдор.

Кексани овқат тутиб туради, дейишади. Биз улардан таомлар ҳақида суриштирамиз. Кам-кўстлардан гап очилса, силлиқлаштиришга уринишади. Аммо юз-кўзларидаги ифодаю маъно кўнгилда борини аён этиб қолади. "Байрам дастурхонларимиз доимо тўкин, ширин овқатлар еймиз, ҳаммасига рахмат,"— дейишади гўдакларга хос оҳангда.

Айни пайтда пансионат ошхонаси таъмирланмоқда. Аслини олганда-ку, бутун бино таъмирга муҳтож. Негаки, у 1968 йилда тикланган. Шундан буён 35 йил ўтди. Қўшимча бино ҳам қурилди. Гарчи ҳар бир қария алоҳида шарт-шароитли хонада яшаса ҳам, эски бино зах ва кўримсиз. Собир Раҳимов тумани ҳокимининг қарорига кўра, шу ҳудудда жойлашган "Оникс", "Тошкентмебель", "Керамзитбетон", "Металлсавдо" акционерлик жамиятлари, "Буюк инвест" қўшма корхонаси пансионатга оталиқ ташкилотлари сифатида бириктирилган.

— Аммо бу жамоалар ишлаб чиқариш самараси пастлиги учун кутилганча ёрдам кўрсатолмаяпти,— дейди пансионат раҳбари Рустам Бекназов.

Қайд этилган оталиқ корхоналарининг ҳаммасида ҳам ишлаб чиқариш суръати пастмикин? Ёки улар маҳаллий ҳокимият қарорига, юрт тараққиёти ва юмушига шунчалик беписанд ва лоқайдмикинлар?

> томида юриш ҳам одобсизлик саналган

— Баъзиларнинг чўнтаклари тўлгани сайин кўнгиллари ғариблашиб бораётганга ўхшайди,— гапида давом этади ўн йилдан буён пансионатда раҳбарлик қилаётган Рустам ака. — Мана, термизлик Ёқубов деган қарияни олайлик. У ҳозир бизда истиқомат қилаяпти. Давлатнинг нуфузли ишларида хизмат қилган, 7 фарзандни тарбиялаган, ўқитган, уйли-жойли қилган киши. Бугун болалари Сурхондарёнинг бели қувват кишилари қаторида тилга олинади. Оила устунлари — ота-онанинг ўзаро муносабатлари қаттиқ дарз кетган. Болалар ҳам она ёнини олиб, отани ёлғизлатиб қўйишган. Ҳолбуки, ота-она қандай қариликка юз тутишмасин, улар тўғрисида вояга етган фарзандлар ғамхўрлик қилишга мажбурлиги Асосий қонунимизда кўрсатилган.

— Халқимизда "Бир ота ўн ўғилни боқади, ўн ўғил битта отани боқолмайди» — деган мақол бор, — дея гап бошлайди жиззахлик Барот Қаршибоев. — Топармантутарман рўзғорбоши эдим. Бир бўлак нон топсам, оиламга таширдим. Беш фарзандим улғайиб, қўлларидан иш келадиган бўлди. Тасодифан оиламизга келган фожиа — бир ўғлимнинг ўлими мени жисмонан қулатди. Бир йил тўшакда ётиб қолдим. Ўзимга келмасимдан аёлим аҳволимни юзимга соладиган, "боқиманда" дея писанда қиладиган бўлди. Болаларимни ҳам менга қарши қайрай бошлади. Мен учун улар ичида яшаш мушкул бўлди. 63 ёшимда чопонимни елкамга ташладимда, уйдан чиқдим-кетдим. Бу ерда обдон даволандим, ҳозир тинчман; шукур, кайфиятим ҳам кўтарилди. Меҳр кўрдим. Фарзандларимнинг ҳаммаси ўғил ўстираяпти, қиз тарбиялаяпти. Улар оталарига қандай муомалада бўлган бўлсалар, эртага болаларидан шундай муносабат кўришларини асло истамайман.

Лекин қилган ҳар қандай яхшилигу ёмонликларимиз, энг аввало, ўзимизга қайтиши тайин. Қадимги аждодларимиз ота ёнида овозларини баланд кўтармаганлар. Ота ўтирган уй томида юришни одобсизлик санашган. Ота-она дуосини олиш, унинг рози-ризолигига эришишга интилганлар. Ҳозир ҳам шундай.

Аслида меҳр-мурувватнинг илк кўринишлари оиладаги қон-қариндошлар ўртасида шаклланади. Оилада меҳр-мурувват кўриб, уни жигарларига намоён эта олган ёшларгина келажакда туғилажак авлодлари ва юртига нисбатан меҳрли бўла оладилар.

**Мамлакат НОРМУРОДОВА,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

# Изтироб

***(бадиа)***



Шифохонага кириб борганимда бош ҳаким отам ётган палатадан ўйланиб чиқаётган экан. Унинг йирик, кўкимтир кўзлари анча сўлғин кўринди.

— Сизни йўқлаб турувдик, — деди у бир нуқтага маъюс тикилиб. — Нима қилишни билмай бошимиз қотиб турибди. Дард сира чекинмаяпти, юрак кўп қийнаяпти. Агар биздан хафа бўлмасангиз...

Вужудим алламаҳалгача карахт бўлиб турди. Тиззаларимни эса қалтироқ босди...

— Ўзингизни қўлга олинг, — деди бош ҳаким бир чети ғижимланган оппоқ қалпоғини ечиб бошини қашларкан. — Пешонада бори бўлади.

Палатага хаёлимни бир ерга жамлолмай бўшашиб кирдим. Отам бечора тўрдаги каравотда гавдаси билиниб-билинмай ётган экан. Ранги синиқ, бироз оқарган. Кўзларининг нури анча сусайган. Мени кўриб бир азобда қимирлаб қўйди.

— Ота, ётавериб қийналмасдан, — дедим кўзларим ёшини зўрға тийиб. — Уйга элтиб бир шамоллатсак...

— Дўхтир розими? Аканг нима деркин?

— Сиз нима десангиз... Дўхтир ҳам шунақа маслаҳат бераяпти.

Кечки салқинда отамни уйга келтирдик. Энам бечора бизни синиқ овозда йиғлаб қаршиладилар.

Отам раисликдан бўшаган бўлса-да, кимларгадир ўхшаб амали билан бирга обрў-эътиборидан ҳам ажралгани йўқ, уйимиздан одамларнинг оёғи узилмай турди.

Қишлоғимизда тухматга тўлиб-тошган юмалоқ хат ёзаверганидан ҳаммага ёмон кўринишга улгурган Дадабоев деган одам истиқомат қиларди. У бир йили тўй қиладиган бўлди. Қишлоқдошларимиз эса унинг маъракасига бормасликка, бу билан ундан ўч олишга аҳд қилдилар. Отам эса негадир эрталаб Дадабоевникига бориб, уйининг тўрига ўтириб олди. Тўйга аталган ҳўкизни сўйдирди. Катта қозонда ош дамлатди. Қишлоққа одамларни тўйга чақирадиган хабарчи ҳам чиқарди.

Бир маҳал қишлоқдошлар гуруҳ-гуруҳ бўлиб тўйга кириб кела бошлади. Улардан бири отамга дашном бермоқчи бўлди.

— Раис жўра, бу ерда ўтириб олганингизни эшитиб келавердик. Аҳдимиздан қайтдик. Юзингизга оёқ босолмадик.

— Раҳмат, ўзим ҳам бунга ишонган эдим. Бўлмаса...

Дадабоев роса йиғинган экан. Тўй кечгача давом қилди. Базм охирида Дадабоев отамга чопон ёпди.

— Раис бова, бугун кўзим очилди. Худо ҳаққи, энди бировнинг устидан ёзишни бас қиламан. Тўйимизни ўзингиз бош бўлиб ўтказиб бермаганингизда...

Отам қучоқ очиб келган Дадабоевни маҳкам бағрига босди. Дадабоевнинг кўзида ёш йилтиллади. Негадир отам ҳам йиғлаб юборди.

— Шундай инсофга келишингни кўнглим сезиб юрувди. Одам онасидан ёмон бўлиб туғилмайди. Уни фақат муҳит бузади. Аҳволинг шу даражага етишида биз ҳам айбдормиз. Сени эртароқ инсофга чақиролмадик.

Баъзан ўзимга-ўзим савол бераман: одамлар отамга нега бунчалик ишонадилар? Аллақачон раисликдан бўшаган, кексайган одамга шунчалик ҳурматми? Бу ишонч осонлик билан топилганми?

Энам бечора бекорга ташвиш чекмаётган экан. Орадан кунлар ўтавергани сайин отамнинг кўзлари маъюслашиб бораверди.

Кечга бориб отам мени ҳузурига чақиртирди:

— Ўғлим, сендан қарздор кетаяпман, —дедилар қалтираб. — Уйлантиролмадим, янги иморат солиб беролмадим. Мени кечиролсанг...

Ҳар қанча уринсам ҳам гапиролмадим. Тилим танглайимга ёпишиб қолганга ўхшади. Кўзларим отамнинг майиздай кичрайиб бораётган юзидан бошқа нарсани кўрмасди. Ўпкам тўлиб, томоғимга бир нима тиқилди.

— Ажал билан олишаётганда ҳам боласини ўйлайди-я, — деди энам эшитилар-эшитилмас, — кўчада қолмайди, эски бўлсаям, уйимиз бор...

— Сизларни кўп қийнадим. Мендан рози бўлинглар... — отамнинг гапи бўғзида қолди, аввал бир-икки ўқчиди, кейин жимиб қолди. Ярим юмилган ва бироз очиқ кўзларидан икки-уч томчи ёш оқиб тушди.

— Болажоним, шўримиз қуриб қолди, — деди энам изиллаб йиғлаб. — Отангдан айрилиб қолдик.

Кўнглим бузилиб уйдан ташқарига чиқдим. Тонг ёриша бошлаган экан. Овоз чиқариб йиғлолмаяпман-у, кўзларимдан селдай ёш қуйилаяпти. Кечадан буён бир чети куйишиб турган юрагимда қаттиқ санчиқ турди. Кўзим олди қоронғилашиб, оёқларим ўзимга бўйсунмай қўйди.

Тоғларнинг туя ўркачига ўхшаган эгри-бугри чўққилари орасидан қуёш қизариб мўралайди. Бу тонг энди отасиз яшашга маҳкум этадиган мусибатли ва изтиробли кунларимнинг биринчи тонги эди...

**Файзи ҲАЙДАРОВ.**

*Ташкилот ва корхоналар диққатига!*

**Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси пудрат савдоларини ташкил этиш (тендер) бўйича республика бошқармасининг**

**НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ**

**қуйидаги иншоотга танлов савдоси (тендер) ўтказилишини эълон қилади.**

**Наманган вилояти, Янгиқўрғон тумани, Қандиён қишлоғидаги «Исковот» ширкат хўжалигидаги 320 ўринли мактаб объектини тайёр ҳолда қуриш.**

**Лойиҳани тайёр ҳолда қуриш бошланғич нархи — 419 183 000 сўм.**
**Қурилишни якунлаш муддати — 210 кун (2005 йил 15 июнь).**
**Буюртмачи — Наманган шаҳри, Амир Темур кўчаси, 105-уйда жойлашган Наманган вилояти ҳокимлигининг капитал қурилиш бошқармаси.**
**Телефонлар: (8-3692) 26-22-60, 33-77-06.**

*Қурилиш ишлари давлат инвестиция маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.*

*Ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга: етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг 20 фоизи миқдорида бўш айланма маблағига,молиявий имкониятлар ва материаллар захирасига, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуққа эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.*

*Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — пудрат савдоларини ташкил этиш (тендерлар) бўйича республика бошқармасининг Наманган вилояти филиалига қуйидаги манзилга:* ***Наманган шаҳри, А.Навоий кўчаси, 36-уйга (Матбуот уйи, 4-қават) иш кунлари соат 10.00дан 17.00гача*** *мурожаат қилиш мумкин.*

***Тел./факс: (8-36922) 26-14-50, 26-47-91.***

***Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 50000 сўм.***

*Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.*
*Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.*

**Таклифлар очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Наманган шаҳри, А.Хўжаев кўчаси, 59-уй.**

852бR/163

**«ВОЛГА» автомобиллари СОТИЛАДИ**
*пул ўтказиш йўли билан*



«ГАЗ» ОАЖнинг расмий дилери Тошкент шаҳридаги омбордан **ГАЗ-3110, ГАЗ-3102** автомобилларини, шунингдек, «Газель» русумидаги юк машинасини таклиф этади.

Автомашиналар темир йўл орқали вагонларда келтирилган.

**Телефон: 119-21-83.**

**REPRESENTATIVE OFFICE OF JAPAN INTERNATIONAL COOPERATION AGENCY IN UZBEKISTAN (JICA) ANNOUNCES A TENDER FOR CONDUCTING THE RESEARCH ON THE TOPIC**

**«SITUATION ON DISABILITY ISSUES IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN»**

1. **Purpose of study:**

   The research is aimed at defining the real situation and possess information on problems and needs of disabled people in Uzbekistan and on how JICA could further plan its activities in the future in the field of social protection.

2. **Character of the Study**

   Consultant should conduct the study in three stages. At the first stage, Consultant should collect additional statistics on types of disabilities, grade data, gender data, and major cause of disabilities, benefits receiving and major needs of disabled people.

   At the second stage, Consultant should visit and conduct interviews with khokimiyats of four regions; eight companies that employ disabled people, 2 in each region; fifty disabled people (kids and adults included); eight boarding schools, 2 in each region; twelve organizations (both government and non government), three in each region who are working with disabled people; The list of questions should be approved by JICA.

   At the third stage, Consultant should summarize the results of the interviews and statistical findings and prepare a report and make a presentation around March 26, 2004 in English or in Russian using the interpreter.

3. **Duration of the research**

   The work of the Consultant under the contract should last from Feb 16 to March 31, 2004. The candidates for implementation of the research should provide JICA with the information about the consultant/consulting firm/NGO, including short data on previous relevant studies or projects, calendar plan of works, list of experts and specialists taking part in research and experience in conducting research. Candidates must attach their CV's to the proposal. The deadline for submission of proposals is Feb 2, 2004.

**JICA Uzbekistan office**
**5th Floor, International Business Center**
**107-B, Amir Temur St.**
**Tel. :( 998 71) 138-59-16/17/18; Fax: 120 79 68**
**Contact person: Dilbar Sulaymanova**
**E-mail: dilia@jica.uz**

Ушбу жойда **Сизнинг** рекламангиз бўлиши мумкин эди!

«Халқ сўзи»даги **Реклама** — *бизнесингизни қўллаб-қувватлайди!*

Сизни қуйидаги манзилда кутамиз: Тошкент ш., Матбуотчилар к., 32-уй, 2-қават, 242-хона. Тел.: 136-09-25, 132-10-63.

**Katris ФИРМАСИ**



**МАКТАБ, КОЛЛЕЖ ВА ТИББИЙ МУАССАСАЛАР УЧУН**

**МЕБЕЛЬ**

**ИШЛАБ ЧИҚАРАДИ ВА ТАЙЁРЛАЙДИ.**

**90-07-87**
**92-03-95**
**158-15-73**



*Мебель олсанг «Katris»дан, роҳат қиласан дилдан.*

8521R/147

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси жамоаси Бухоро вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг Бухоро тумани бош мутахассиси **Нурмурод РАҲМАТОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ректорати ва жамоат ташкилотлари «Иккинчи чет тили» кафедраси ўқитувчиси Гулчеҳра Аъзамовага ўғли **Темур АЪЗАМОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Чўлпон» нашриёти жамоаси нашриёт етакчи муҳаррири Раъно Азимовага онаси **САНАМХОН аянинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Андижон вилояти Марҳамат туманидаги «Истиқлол» ширкат хўжалиги жамоаси бошқарув раиси Камолиддин Отахоновга отаси **Ҳамиджон ОТАХОНОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**«Халқ сўзи»**
**«Народное слово»**

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир:**
**Аббосхон УСМОНОВ**

Таҳрир ҳайъати:
**Э. БОЛИЕВ** (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
**П. ДЮГАЙ,**
**Ш. ЖАББОРОВ** (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
**Л. КУЧЕРЕНКО** (масъул котиб — «Народное слово»),
**М. МИРАЛИМОВ,**
**С. МУҲИДДИНОВ,**
**Ш. РИЗАЕВ,**
**А. САИДОВ** (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
**М. САФАРОВ,**
**И. ЎТБОСАРОВ,**
**О. ҚАИПБЕРГЕНОВ,**
**А. ҲАЙДАРОВ,**
**Ў. ҲОШИМОВ.**

**БЎЛИМЛАР:**
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92*
*Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65*
*Маънавият ва маърифат — 136-35-60;*
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 133-52-55;*
*Фан, соғлиқни сақлаш, таълим ва туризм — 133-10-17;*
*Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15; 132-12-08*
*Котибият — 133-10-28;*
*Эълонлар — 136-09-25.*

**Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.**
Буюртма Г — 274, 31749 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Қоғоз бичими А — 2. Офсет усулида босилган.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда оператор **Ж. ТОҒАЕВ** томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — **А.Орипов.**
Навбатчи муҳаррир — **И. Ўтбосаров.**
Навбатчи — **М. Холматова.**
Мусаҳҳиҳ — **М. Сулаймонова.**

**МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.**

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
t — тижорат материали.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.**

*Босишга топшириш вақти — 21.00.*
*Топширилди — 1.00*
2 3 4 5 6